

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МУАММОЛАРИ

Икром Бобоқулович Мирзаев

Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси

Бехрузжон Бозоров

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Миллий муносабатнинг интеграциялашувида ўзликни англаш муаммолари каби долзарб масалалари ёритиб берилган. Глобаллашув даврида миллий маданиятга нималар бўляпти, деган саволга жавоб беришга ҳарақат қилишдан аввал миллий маданият тушунчасининг ўзи мазмунини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Миллий маданият "модернлик даврида маданиятнинг миллийлашуви" натижасида ўрнатилган интеллектуал одатга кўра, маданият энг яхши миллий маданият сифатида тушунилади.

Калит сўзлар: маданият, глобаллашув жараёни, миллий ўзликни англаш, миллий маданият, тарих, маданий макон.

КИРИШ

Маълумки, ҳозирги давр глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетганлиги ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларига сезиларли таъсир этаётганлиги билан характерланади. Албатта глобаллашув жараёнининг ҳозирги давр инсоният ҳаётидаги таъсир доираси, тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида бу борада тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчи олимлар, сиёсатшунослар ҳамда таникли давлат арбоблари томонидан турфа фикрлар, қарашлар, мулоҳазалар билдирилган. Кези келганда айтиш жоизки айни масаладаги қарашларда бирбирини инкор этувчи ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Аммо бу борадаги фикларнинг аксариятида глобаллашувнинг ҳам ижобий ҳам салбий томонларини эътироф этувчилар кўпчиликни ташкил этади десак хато қилмаган бўламиз. Хўш, глобаллашув жараёнини ҳақиқатдан ҳам ҳозирги ўта шиддатли ва мураккаб давр тезлиги талабларига жавоб берадиган, жамият тараққиётига хизмат қилувчи ижобий бир феномен сифатида қабул қилиш керакми, ёки аксинча, миллий маданиятнинг емирилишига, урф-одат, анъана, қадрияларнинг заифлашувига олиб келадиган салбий жараён сифатидами?.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда қўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, қўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларо мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик оғатлар пайтида ўзаро ёрдам қўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда. Шу билан бир қаторда, унинг ўта таъсиран чарчан маънавий, мафкуравий таҳдид сифатидаги жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Президент Ш.Мирзиёев ҳам глобаллашув хақида қуйидаги фикрларни билдиради: “Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқиёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтиromoқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раЖна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда”. Бу қарашдан ҳам қўриш мумкинки, глобаллашув улкан инсоний имкониятлар билан бир қаторда дунёда тинчлик ва барқарорликка соя солаётган бир жараён сифатида эътироф этилган.

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир қўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдид – шахс, жамият ва давлатнинг маънавият соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шарт ва шароитлар, омиллар мажмуудир. Маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи ва миллий маънавий манфаатлар учун хавф бўлган ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Сўнгти йилларда глобаллашув жараёнлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳа ва соҳаларини қамраб олаётган долзарб ҳамда кескин муаммоларни юзага чиқармоқда. Глобаллашув байроғи остида дунёни қайта тақсимлашга қаратилган жиддий ҳаракатлар қўзга ташланмоқда. Глобаллашув, бир томондан, дунё ҳамжамияти ҳаётини, жаҳон сиёсати ва ҳалқаро муносабатларини белгилаб берувчи етакчи омилга айланмоқда, иккинчи томондан эса, алоҳида олинган давлат ва ҳудудлар ички сиёсатини таркиб топган умумдунёвий шароит билан мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам турли соҳа олимлари глобаллашув жараёнларига ўз муносабатини билдириш, бу жараёнларнинг оқибатларини талқин этиш ҳамда келажакка таъсирини ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Глобаллашув жараёнларининг бошланишини олим ва сиёсатчилар турли давр ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар билан боғлашади. Таниқли немис социологи Ульрих Бек бу ҳақда шундай ёзади: “Иқтисодий глобаллашув қачон бошланди, деган савол тўсиқларга тўла чакалакзорга етаклайди. Айрим олимлар (Иммануэль Уоллерстайн) “капиталистик дунё тизими” нинг бошланишини XVI аср бошидаги мустамлакачиликнинг пайдо бўлиш даври, бошқалар байналминал концернларнинг пайдо бўлиши билан боғлайди. Яна баъзи мутахассисларнинг фикрича, глобаллашув мустаҳкам валюта курсининг бекор қилиниши ёки шарқий блокнинг инқирози билан бошланган”¹.

Глобаллашув жараёнининг бошланиши ва сабабларини аниқлашда қарашларнинг кўплиги унинг моҳияти борасидаги фикрларнинг ранг-бараанглиги билан боғлиқ. Жумладан, глобаллашувни анча кенг-давлатлараро ва ҳудудлараро муносабатларнинг кенгайиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин этувчи олимлар уни Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишини таъминлаган Буюк Ипак йўлининг шаклланиш даври билан боғлайди. Глобаллашув масалаларини тадқиқ этган таниқли олимлардан бири И. Валлерстайн глобал иқтисодиётнинг («жаҳон капиталистик иқтисодиёти») пайдо бўлишини XVI асрга тақаган бўлса, Р. Робертсоннинг фикрича, бу жараён XV асрда бошланган, 1870 йилдан XX аср ўрталарига қадар кенг миқёс касб этган

ва “совуқ уруш” тугагандан сўнг янги йўналиш касб эта бошлаган. Рус олимни В.М.Рюмин эса глобаллашувнинг уч босқичини ажратади ва ҳар босқични жаҳонда содир бўлган муайян воқеа-ҳодисалар билан боғлади. Жумладан, унинг фикрига кўра, XV аср охири –XVI аср бошларини қамраб олган биринчи босқич-буюк жўпрофий кашфиётлар (Американинг кашф этилиши, Хиндистон томон денгиз йўлининг очилиши ва ҳ.к.) билан боғлиқ, иккинчи босқич-саноат инқилоби ҳамда бозор алмашинувиниг кенгайиши натижасида вужудга келган ягона жаҳон бозори маконининг шаклланиши натижасида бошланган (XVIII аср), учинчи босқич эса XX аср охирида пайдо бўлган замонавий ахборот технологиялари мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги қатъий чегараларни бузганлиги билан боғланган. Албатта, глобаллашув борасидаги бу ва бошқа фикрлар муаллифлари ўз нуқтаи назарини муайян даражада асослаб берган.

ХУЛОСА

Бизнинча, глобаллашув жаҳон миқёсидаги интеграциялашув жараёни ва ҳодисалари сифатида талқин этилса, унинг янги ҳодиса эмаслиги ҳақидаги фикр асосли туюлади. Дарҳақиқат, Ўрта асрлардаги салиб юришлари оқибатида Шарқ ва Ғарб маданиятларининг муайян даражада уйғунлашуви ёки Англияда тўқув дастгоҳининг пайдо бўлиши Ҳиндистондаги миллионлаб тўқувчиларнинг хонавайрон бўлишига олиб келгани, Франция республикачилик ғояларининг пайдо бўлиши Шарқдаги якка ҳукмдорлар ҳокимиятини заифлаштиргани, масалан, Россияда декабристлар ҳаракатига туртки бўлганини тасдиқлайди.

REFERENCES

1. Hoshimov K va boshqalar. Pedagogika tarixi //Pedagogika oliv o,,uv yurtlari va dorilfununlar talabalari uchun O,,quv qo“llanma. - Toshkent, O,,qtuvchi, 1996, - 301-bet.
2. Mahkamov U, Tillaboeva N, Tillaboeva SH. Pedagogik mahorat. O“quv qo“llanma. T.: 2003 y
2. Ikrom Boboqulovich Mirzaev (2021). MILLIY MADANIYAT FALSAFASI. Academic research in educational sciences, 2 (12), 965-969.
2. Mirzaev Ikrom Boboqulovich O'zbekiston yosh avlodi tarbiyasida milliy qadriyatlarning o'rni // Fan va ta'lif bugungi kun. 2019 yil, 4-sod (39). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-natsionalnyh-tsennostey-v-vospitanii-molodogo-pokoleniya-uzbekistana> (kirish sanasi: 18.01.2023).
3. Mirzaev Ikrom Boboqulovich Zamoniaviy madaniyat jarayonlarida milliy va umuminsoniy uyg'unlik // Ilmiy jurnal.

2020 yil. 3-son (48). URL: World scientific research journal www.wsrjournal.com Volume-12_Issue-1_February-2023 146 <https://cyberleninka.ru/article/n/garmoniya-natsionalnogo-obschechelovecheskogo-v-protsessah-sovremennoy-kultury> (kirish sanasi: 18.01.2023).

4. Ikrom Boboqulovich Mirzaev, D. A. Abduhoshimov Zamnaviy kadrolar tayyorlash tizimi va maqsadlari // Ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar. 2022. #TSTU konferensiyasi 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zamnaviy-kadrlar-tayyorlashning-tizimli-va-ma-sadli-zhi-atlari> (kirish sanasi: 18.01.2023).
5. Ikrom Boboqulovich Mirzaev Globallashuv davridagi "soxta diniy dunyoqarash" // Pedagogik fanlarda akademik tadqiqotlar. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/globallashuv-davridagi-sohta-diniy-dunyo-arash> (Kirish sanasi: 18.01.2023).
6. O'.Erniyozov, I.Merzayev, & M.Hasanov. (2022). Shaxsni shakillantirishda "oila" va "jamiyatning" axamiyati . World Scientific Research Journal, 4(2), 96–101. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/1445>
- 7.Kaipbergenova, D. (2017). THE IMPORTANCE OF MATERIAL DESIGNING IN LANGUAGE TEACHING. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, 34(3), 62-63.
- 8.Каипберганова, Д. О. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ОРГАНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ НА ОСНОВЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ. In *Инновационное развитие: потенциал науки и современного образования* (pp. 211-213).
- 9.Каипберганова, Д. О. (2016). The role of language learning strategies in learning foreign languages. *Молодой учёный*, (12-4), 83-85.
- 11.Orakbaeva, K. D. (2023). MAMLAKATIMIZDA CHET TILLARINI O'RGANISHDAGI ZAMONAVIY METOD VA METODOLIYA. *Научный Фокус*, 1(1), 1472-1478.
- 10.Orakbaeva, K. D. (2023). GLABALLASHUV DAVRIDA TA'LIM VA TARBIYANING UZVIYLIGI. *Научный Фокус*, 1(1), 1466-1471.
- 11.Kaipbergenova, D. (2023). BUGUNGI KUNDAGI MAMLAKATIMIZDA TA'LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR VA ULARNING NATIJALARI. *World scientific research journal*, 15(2), 3-7.
- 12.Каипбергенова, Д., & Жуманиёзова, Н. С. (2023). Бугунги кун талаба ёшларида ахлоқий дунёқарашни шакллантириш усуллари. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 652-668.